

MAHSULOT YETKAZIB BERISH SHARTNOMASI

Бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи 6-ДИМИ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Д.Алимова бир томондан ва бундан буён «Таъминотчи» деб аталувчи " NEW OASIS TRADING 770" МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи М.Джурабаева. бошқа томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан «Таъминотчи» қуйидаги шартларга мувофиқ, ҳудуддаги деҳкон бозорларидан олинган ўртача нархлардан келиб чиқиб, 2022-2023 йил қиш ва баҳор мавсуми учун захирага жамғариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришни «Буюртмачи» эса ушбуларни қабул қилади ва тўловларни амалга оширади:

№	Маҳсулотларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўмда)	ҚҚС	Умумий қиймати (суммаси сўмда)
1.	Картошка	кг	5000	4000		20000000
	Сабзи	кг	3000	2850		8550000
.	жами					28550000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 28550000 (Йигирма саккиз миллион беш юз эллик минг) сўмни ташқил қилади.

1.3. Шартноманинг баҳоси тахминийдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилгандан сўнг маҳсулотлар нархи ҳокимликлар ҳузуридаги маҳсуе комиссия томонидан белгиланган нархлар асосида ўзгартирилиши мумкин ва кўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномага асосан шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида 20 иш кунида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни маҳсулотни олгандан сўнг 20 иш куни ичида лекин 2022 йил 31 декабрга қадар ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. “Буюртмачи” аванс маблағлари “Таъминотчи” нинг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 10 календар куни ичида тўлик етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Таъминотчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартномада кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.4. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, Товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар "Таъминотчи" ҳисобидан амалга оширилади.

2.5. "Буюртмачи"нинг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.6. Етказиб берилган товар бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.7. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

"Таъминотчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартараф этиш;

- "Таъминотчи"дан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган (ўзгартирилган) нархларда ва муддатда тўлаш.

3.3. "Таъминотчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачи"дан олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- "Буюртмачи"дан мазкур шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида "Таъминотчи" шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Махсулотларни танлаб олмаслик, шунингдек “Таъминотчи” шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи “Таъминотчи”га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, “Таъминотчи” жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи махсулот “Таъминотчи”га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи” “Таъминотчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. “Таъминотчи”:

- миқдор, сифат, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар “Таъминотчи” сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.


8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ


8.1. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб худудий газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Таъминотчи»	«Буюртмачи»
<p>Ташкилот номи : " NEW OASIS TRADING 770" МЧЖ</p> <p>Манзил: Андижон вилояти Асака тумани Телефон: +998 97 261 07 07 Факс: _____ СТИР коди: 309524923 ХХТУТ коди: _____ Х/Р: 20208000005555313001 Банк номи: «Микрокредитбанк» АТБ</p>	<p>Ташкилот номи: 6-ДИМИ Манзил: Баликчи тумани Чинобод шаҳарчаси Телефон: 99 986 75 07 Факс: _____ СТИР коди: 202378417 ХХТУТ: 92310</p> <p>Шх/в: 100021860032067092300075005</p> <p>Шх/в*: _____</p>
<p>МФО: 00078</p> <p>Раҳбар: М. Д. Рабаева (ИМЗО) (Ф.И)</p> 	<p>Ҳазначилик бўлинимаси номи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ Тошкент шаҳри Ягона Ҳазна ҳисобварағи: 23402000300100001010, МФО: 00014, Ҳазна СТИРи: 201122919</p> <p>Раҳбар: _____ Алимова Д. М.Ў. (ИМЗО) (Ф.И.)</p>

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	DILBARXON ALIMOVA ABDUQAXXOROVNA
	Imzolangan sana	02.12.2022 16:37
	Hujjat kodi	OW7001547183
	Hulosa kodi	XP7788530844

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

XP7788530844

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Kartoshka zax 2022-2023**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: 6-
IXTISOSLASHTIRILGAN MAKTAB-INTERNAT tomonidan 28.11.2022 yilda
kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish
maqsadga muvofiq.

**Baliqchi tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**

